

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

МАХМУДОВ АЛИШЕР АБДУСАЛИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК
ОРГАНЛАРИНИНГ НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Махмудов Алишер Абдусалимович

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органларининг
назорат фаолиятини такомиллаштириш 3

Махмудов Алишер Абдусалимович

Совершенствование контрольной деятельности местных
представительных органов в Республике Узбекистан 23

Maxmudov Alisher Abdusalimovich

Improving the control activities of local representative bodies in the
Republic of Uzbekistan 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

МАХМУДОВ АЛИШЕР АБДУСАЛИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК
ОРГАНЛАРИНИНГ НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Үу26 рақам
билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tad-i-otchilarga/ilmiy-kengash) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Туляганов Абдуманноп Абдужабборович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Рузметов Хайрулла Ибодуллаевич
юридик фанлар доктори

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “_____” _____ соат ____:____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислоҳ Каримов кўчаси, 45. Тел.: (998) 71-232-60-80; факс: (998) 71-232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислоҳ Каримов кўчаси, 45. Тел.: (998) 71-232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” _____ куни тарқатилди. (2019 йил “_____” _____ даги “_____” рақамли реестр баённомаси).

О.Т.Хусанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

А.Э. Йўлдошев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди

И.Т. Тультеев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (ДИССЕРТАЦИЯ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва модернизациялаш шароитда маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини тобора кенгайтириш масаласи долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, ўндан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда жойларда вакиллик ҳокимияти ролини ошириш миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда демократик-ҳуқуқий тараққиётнинг энг долзарб, бирламчи шартларидан бири эканлиги қайд этилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ва бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вакиллик ҳокимиятига оид қоидалар мамлакатимизда ушбу ҳокимият тизими ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш долзарблигини белгилайди.

Жаҳонда маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг самарадорлигини ошириш, унинг янги демократик шакллари жорий этиш борасида илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда маҳаллий вакиллик органларининг таъсирини кучайтириш, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда депутатлик назоратидан кенг фойдаланиш ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида республикаимизда маҳаллий вакиллик органларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда ҳудудлардаги бошқа мансабдор шахслар фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ўрнатишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Қачонки, ҳудудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жинойтчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади»¹. Ушбу вазифаларни бажариш маҳаллий бошқарувни, хусусан депутатлик назоратини узлуксиз ислоҳ этиб боришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги (1993), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутати мақоми тўғрисида»ги (2004) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 8 августдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

технологияларни кўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг айрим жиҳатлари С.Адилходжаева, Ғ.Алиев, А.Дадашева, Ш.Жалилов, А.Йўлдошев, Г.Исмаилова, Ф.Ким, Г.Маликова, С.Муратаев, М.Раджабова, И.Собиров, О.Хусанов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига тааллуқли илмий изланишлар М.Баглай, А.С.Прудников, Р.Ф.Туровский, Е.Н.Хазов, Т.Ф.Яковлева ва бошқалар томонидан, маҳаллий вакиллик органларининг назорат функциялари бўйича тадқиқотлар эса Т.М.Бялкина ва Е.С.Лапатухина томонидан олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда Жессе Риббот, Кейс Миллер, Аллин Локнер (АҚШ), Стив Паркинсон, Род Латхам, Рожер Кемп (Буюк Британия), Карлос Силва, Жан Бучек (Швейцария), Малека Бану, Сиддик Камал (Бангладеш), Орапин Сопчокчай (Таиланд) ва бошқалар томонидан маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолияти билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган¹.

Юқорида баён этилганлар маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг назарий ва амалий муаммолари Ўзбекистон Республикасининг замонавий қонунчилиги, шунингдек ушбу соҳага оид халқаро ҳужжатлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф1-089 “Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2012-2016 йй.) ҳамда ЁА 2-ФҚ-0-16653 ЁА 2-009 “Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш – миллий давлатчилигимиз моделининг асоси» (2014-2015 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

¹ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, мақсади, вазифалари ва асосий принципларини ёритиб бериш;

маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тизимли таҳлил қилиш асносида, улардаги “оқ доғларни” аниқлаш;

маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг объекти ва предметини аниқлаш, субъектларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини таҳлил қилиш;

маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг шакл ва усуллари, уларни амалга ошириш механизмини ўрганиш, аниқланган муаммоларни бартараф этишнинг устувор йўналишларини белгилаш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятини амалга оширишнинг илғор хорижий тажрибаларини тизимли таҳлил асосида ўрганиш ва уларни миллий амалиётга жорий этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий вакиллик органлари, шу жумладан уларнинг назорат фаолияти билан боғлиқ илмий-назарий адабиётлар, миллий ва хорижий давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, назорат фаолиятини амалга ошириш механизмлари ва амалиётда мавжуд муаммолар, улар фаолиятига оид статистик маълумотлар, соҳа вакиллари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда билишнинг диалектик, таҳлил, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик, тизимли-тузилмавий, формал-юримдик ўрганиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳоким ҳисоботини ўтган йил якунлари ва жорий йил ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси натижаларини ҳисобга олган ҳолда эшитиш таклифи ишлаб чиқилди;

ҳокимлар томонидан тақдим этилган тегишли бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашлари партиялар гуруҳларида ва доимий комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама қилишни конун билан белгилаш зарурати асослаб берилган;

депутат сўрови самарадорлиги ва таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида унга берилган мансабдор шахслар жавобларини тегишли доимий комиссиялар томонидан ўрганиш ва халқ депутатлари Кенгашлари сессиясида кўриб чиқиш тартибини белгилашнинг мақсадга мувофиқлиги асослантирилган;

депутатлик назоратидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни

самарали бартараф қилиш мақсадида халқ депутатлари Кенгашлари назорат фаолиятини тегишли ҳудудда фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг таъминланганлиги, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши, шу жумладан, коррупция ҳолати, маҳаллий аҳамиятга молик муаммоларнинг кўлами, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш мезонлари асосида баҳолаш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“маҳаллий вакиллик органи”, “депутатлик назорати”, “депутатлик назоратининг объекти”, “депутатлик назоратининг предмети”, “депутатлик сўрови” каби тушунчаларга муаллифлик таърифлари берилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунини янги таҳрирда қабул қилиш ва унда депутатлик назорати шакллари, уларни амалга ошириш механизмлари, назорат субъекти ва объекти, натижаларни аниқ ва батафсил белгилаш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка жорий этиш мақсадида Кенгашларга ҳисобот тақдим этувчи барча мансабдор шахсларга нисбатан Кенгаш томонидан ишончсизлик билдириш институтини жорий этиш зарурати асослантириб берилган;

“Кенгаш сўрови” каби янги депутатлик назорати шаклини жорий этиш маҳаллий Кенгашнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришдаги ролини оширишга хизмат қилиши асослантириб берилган;

халқ депутатлари Кенгашлари ҳузурида депутатлар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ва молия соҳасидаги мутахассислардан иборат таркибда “Бюджет маблағларини сарфлаш ва молиявий назорат” комиссияларини ташкил этиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровномаларнинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг назорат ваколатлари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Конституциявий ҳуқуқ”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Маҳаллий бошқарув”, “Ўзбекистонда ҳокимият вакиллик органи” фанларини ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий вакиллик

органларининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассаларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари учун ташкил этиладиган ўқув семинарлари ва тренингларда, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда ҳамда фуқаролар йиғинининг амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

ҳоқимлар томонидан тақдим этилган тегишли бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашлари партиялар гуруҳларида ва доимий комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама қилиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли Қонуни 34-моддаси 22-банди билан Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 168-моддасининг биринчи қисмига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 24 январдаги 07/1-08-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш маҳаллий бюджетларнинг ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтиришга хизмат қилган;

ҳоқим ҳисоботининг тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси ўтказилганидан кейин эшитиш ҳақидаги таклифлари “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 25¹-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 24 январдаги 06/1-05-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш ҳоқим фаолиятини кенгроқ ўрганиш ва объектив баҳолаш имконини берган;

депутат сўровига мансабдор шахслар жавобларини тегишли доимий комиссиялар томонидан ўрганиш ва халқ депутатлари Кенгашлари сессиясида кўриб чиқиш таклифидан Сенат комиссиясининг 2016 йил 30 мартдаги СКҚ-1–III-сонли қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари томонидан назорат фаолиятини амалга оширишнинг Намунавий тартибини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2019 йил 24 январдаги 7-08/09-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш депутат сўрови таъсирчанлиги ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилган;

халқ депутатлари Кенгашлари назорат фаолиятини баҳолаш учун тегишли ҳудудда фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг таъминланганлиги, ҳуқуқбузарликларни содир этилиши, шу жумладан коррупция ҳолати, маҳаллий аҳамиятга молик муаммоларнинг кўлами, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси – мезонларини белгилаш тўғрисидаги таклиф ва тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 27

октябрдаги КҚ-255–Ш-сонли Қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашилини “намунали” деб топишнинг мезонлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2019 йил 24 январдаги 7-08/10-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш депутатлик назоратидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари: “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари устидан назоратни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш масалалари” (Тошкент, 2013), “Конституциявий давлат вакиллик органлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари: ҳамкорлик ва самара” (Тошкент, 2014), “Демократизация государственной власти и управления – приоритетное направление демократического обновления и модернизации страны, формирования гражданского общества” (Тошкент, 2014), “Маҳаллий бошқарув тизимини модернизация қилиш: халқаро тажриба ва Ўзбекистондаги ислохотлар” (Тошкент, 2017) мавзуидаги халқаро ва илмий-амалий конференцияларда, “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини янада кучайтиришнинг долзарб масалалари” (республиканинг барча вилоятлари марказларида, 2012), “Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг масъулиятини ва улар иштирокининг самарадорлигини ошириш – давр талаби” (Бухоро, 2013), “Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал қилишидаги роли” (республиканинг барча вилоятлари марказларида, 2013), “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари” (Тошкент, 2015), “Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари” (Қарши, 2016), “Қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш ва улар ижроси юзасидан депутатлик назоратини таъминлаш, бу борада халқ билан мулоқотни йўлга қўйишда сенаторлар ва депутатларнинг давлат ва нодавлат тузилмалар билан ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари” (Самарқанд, Наманган, 2017) мавзуларидаги республика илмий-амалий конференция, семинар ва тренингларда баён қилинган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан 5 та қўлланма, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (1 таси хорижий нашрда), шунингдек 2 та мақола халқаро конференция тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий тадқиқот иши кириш, 9та параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг умумий тавсифи ва юридик табиати”** деб номланиб, учта параграфдан иборат. Биринчи параграф **“Маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолияти тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари”**га бағишланган. Ушбу параграфда вакиллик органлари назорат функциясининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган: биринчидан, назорат сиёсий фаолият тури ҳисобланади; иккинчидан, назорат аниқ мақсадларни кўзлаб амалга оширилади; учинчидан, назорат натижасида муайян чоралар кўрилиши ёки қарор қабул қилиниши зарур. Айнан назорат натижасида қарорлар қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади, чунки муайян қарор қабул қилмай туриб, назорат самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятини тадқиқ қилган олимлар томонидан икки хил ёндашув илгари сурилган. Биринчи гуруҳ олимлар ушбу назорат фаолиятига давлат назорати сифатида; иккинчи гуруҳ олимлар эса, жамоатчилик назорати сифатида ёндашади.

Тадқиқотчининг фикрича, маҳаллий вакиллик органлари жамоатчилик назоратини эмас, балки давлат назоратини амалга ошириб, у қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, депутатлик назорати халқ номидан амалга оширилади. Ушбу назорат натижасида тавсиявий аҳамиятга эга қарорлар ҳам қабул қилиниши баробарида, сиёсий оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Ушбу назорат доирасига асосан маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти қамраб олинади. Шунингдек, депутатлик назорати махсус мандатга эга бўлган субъектлар томонидан амалга оширилиб, оммавий хусусият касб этади ҳамда ошқора амалга оширилади.

Олиб борилган изланишларга асосланиб, тадқиқотчи, депутатлик назоратига қуйидагича таъриф беради: *“Депутатлик назорати – маҳаллий Кенгаш, унинг органлари ва депутатлар томонидан ҳудудларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш, аниқланган тўсиқ ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий фаолиятдир”*.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи **“Маҳаллий вакиллик органлари**

назорат фаолиятининг мақсади, вазифалари ва асосий принциплари“га бағишланган.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, маҳаллий вакиллик органлари нazorат фаолиятини амалга ошириш: биринчидан, қонуннинг самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва шароитларни аниқлаш; иккинчидан, ҳар бир ҳуқуқий норманинг ижросига эришиш; учинчидан, ҳуқуқий меъёрлар, уларни қўллашдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга оид таклифларни ишлаб чиқиш; тўртинчидан, қонунлар ижросини таъминлашда мансабдор шахсларнинг юксак масъулиятини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини таъминлашни назарда тутати.

Тадқиқотлар натижасида, депутатлик назоратининг вазифалари қуйидаги гуруҳларга бўлинган ҳолда таснифланди:

биринчи гуруҳ – *қонун устуворлигини таъминлаш соҳасидаги вазифаларга*: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, давлат ва ҳудудий дастурларнинг амалиётда тўлиқ ишлашини таъминлаш, уларнинг қўлланилмаётган қоидалари ва меъёрларини, шунингдек қонун ҳужжатларидаги камчиликларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ ижро этилишига тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаш; қонуннинг ижро этилишида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш; жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтириш;

иккинчи гуруҳ – *ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш соҳасидаги вазифалар* доирасига ҳудуд учун долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалаларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

учинчи гуруҳ – *аҳоли билан ишлаш соҳасидаги вазифаларга*: фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, уларнинг мурожаатларида кўтарилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ва уларнинг таъминланиши аҳволи юзасидан фуқароларнинг хабардорлигини таъминлаш каби вазифаларни киритиш мумкин. Қайд этиш жоизки, 2017 йилда фуқаролар томонидан депутатларга 46782 марта мурожаат қилинган. Депутатлар томонидан эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш учун мансабдор шахсларга 22524 марта депутат сўрови юборилган.

Вакиллик органлари назорат функциясининг асосий принциплари – бу назоратни амалга ошириш жараёнида асосланиладиган муҳим қоидалар бўлиб, илмий адабиётларда деярли тадқиқ этилмаган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган. Тадқиқотчи маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари назорат фаолиятининг мазмунини унинг асосий принципларини аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали ҳам очиқ беришга ҳаракат қилган.

Ушбу бобнинг **“Маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган учинчи параграфида Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларини ташкил этишнинг ва улар фаолиятининг, шу жумладан, назорат фаолиятининг конституциявий-

ҳуқуқий асослари ҳамда уни такомиллаштириш шартли равишда уч босқичга бўлинган.

Миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган *дастлабки босқич* – 1991–2000 йилларда назорат фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг *иккинчи даври* 2000–2016 йилларда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунида (2007) халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари белгиланди. 2014 йил 16 апрелда Конституциянинг 103-моддасига киритилган ўзгартишга мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши белгиланди. Тадқиқотчи томонидан ушбу нормани амалга ошириш механизмини “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонунга киритилган 25¹-моддада ва Олий Мажлис Сенати томонидан белгилаш зарурати асослаб берилди.

Тадқиқотда 2017 йилдан маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари назорат фаолиятини такомиллаштиришнинг *янги – инновацион ривожланиш даври* (учинчи босқич) бошланганлиги кўрсатиб ўтилган. Айнан шу даврдан маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг янги механизми, яъни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзолари билан ҳамкорликда ҳар ой тегишли шаҳар ва туманлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб, ҳудуддаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлими раҳбарларининг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида: депутатлик назоратини кучайтириш мақсадида сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда ишлаб чиқилиши белгиланганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони билан тасдиқланган маъмурий ислоҳотлар концепциясида маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалда рўёбга чиқариш, маҳаллий Кенгашлар ролини, жумладан, уларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқотда маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини рўёбга чиқаришга оид норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги, унинг тизимли равишда ривожланиб бораётганлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, маҳаллий Кенгашлар назорат фаолияти ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари

сифатида қуйидагилар белгиланди: *биринчидан*, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги, хусусан, бюджет-молия муносабатлари соҳасидаги назорат функциялари босқичма-босқич кенгайтирилди; *иккинчидан*, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш масалаларини ҳал этишда, улар фаолиятини назорат қилишда халқ депутатлари Кенгашларининг роли ва ўрни кучайтирилди; *учинчидан*, маҳаллий Кенгашларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан назорат олиб бориш ваколати берилди; *тўртинчидан*, халқ депутатлари Кенгашлари назорат фаолиятини амалга оширишда сиёсий партиялар, уларнинг Кенгашлардаги гуруҳлари роли ва фаоллиги, ваколатлари кенгайтирилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг элементлари**” деб номланиб, унда амалдаги қонун ҳужжатлари асосида маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг объекти ва предмети, шакл ва усуллари, шунингдек, назорат фаолияти субъектларининг ҳуқуқий мақоми тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг “**Маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг объекти ва предмети**” деб номланган биринчи параграфда, тадқиқотчи маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг объекти ва предмети ушбу фаолиятнинг моҳияти ва табиатини ўрганишда, шунингдек вакиллик органлари томонидан назорат фаолиятини қонун доирасида ташкил этишда ўта муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтади.

Миллий қонунчиликда депутатлик назорати объектининг аниқ белгилаб қўйилмаганлиги сабабли, тадқиқотчи илмий изланишларга эътибор қаратиб, унда икки хил ёндашув мавжудлигини аниқлади. Биринчи гуруҳ олимлар маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолияти объекти сифатида барча *оммавий давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини*, иккинчи гуруҳ олимлар эса, фақатгина *маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахсларининг* фаолиятини назорат объекти доирасига киритади.

Қонунларда депутатлик назорати объекти аниқ белгиланмаганлиги оқибатида амалиётда маҳаллий Кенгашлар томонидан назорат объектини белгилашда муайян муаммолар чиқмоқда. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шерикликни фаол йўлга қўйиш ўрнига, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда улар зиммасига тўғридан тўғри вазифалар юклаш, улар ваколатига тааллуқли бўлмаган топшириқларни бериш ҳолатларига йўл қўйилган.

Тадқиқотда маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг объектлари бир нечта мезонларга кўра: *мақоми ва бўйсунувига кўра, фаолиятини баҳолаш асосларига кўра, фаолият йўналишига кўра, фаолият субъектига кўра* таснифланган. Депутатлик назорати предмети аниқлаштирилган. Таҳлиллар асосида депутатлик назоратининг объекти ва

предметига муаллифлик таърифи берилган.

Мазкур бобнинг **“Маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолияти субъектларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми”** деб номланган иккинчи параграфда халқ депутатлари Кенгашлари, уларнинг доимий ва мувоққат комиссиялари, партия гуруҳлари ва депутатлар назорат фаолияти тадқиқ этилган.

Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий бюджетни қабул қилиши, унинг ижроси тўғрисидаги, ҳокимнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан, ҳоким ўринбосарлари, ҳокимлик бўлимлари, бошқармалари ва бошқа тузилмавий бўлинмалари раҳбарларининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар прокурорлари, ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиши ва бошқа назорат амалиёти тадқиқотчи томонидан расмий-юримдик таҳлил қилинган. Халқ депутатлари Кенгаши сўрови институтини жорий қилиш зарурати асослаб берилган.

Тадқиқотда доимий комиссияларнинг назорат фаолияти икки йўналишда олиб борилиши таҳлил қилинган: *биринчи йўналиш*, Кенгаш назорат ваколатига оид сессия кун тартибига киритилган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш жараёнида амалга оширади. Ушбу жараёнда доимий комиссиялар тегишли маҳаллий ижро ҳокимияти ёки бошқа давлат органи фаолиятини кўриб чиқади, улар фаолияти юзасидан хулосалар тайёрлайди; *иккинчи йўналиш*, доимий комиссиялар бевосита ўзининг ваколати доирасига киритилган назорат фаолиятини амалга оширади. Бунда тадқиқотчи томонидан доимий комиссияларнинг депутатлик назоратини амалга ошириш, мажлислар ўтказиш, қарорлар қабул қилишида ўз ечимини кутаётган масалалар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги аниқланган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари *депутатининг* назорат фаолияти тадқиқ қилинган. Бунда тадқиқотчи томонидан депутатлик сўрови таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу бобнинг **“Маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг турлари ва шакллари”** деб номланган учинчи параграфда маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг турли асосларга кўра таснифланиши ҳамда унинг шакллари тадқиқ этилган.

Тадқиқотда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари назорат фаолиятининг дастлабки, жорий ва якуний назорат турлари таҳлил қилиниб, *дастлабки назорат* – фаолият бошланмасдан олдин, яъни ҳужжатлар ва дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида амалга оширилиши; *жорий назорат* – фаолият бевосита амалга оширилаётган жараёнда ҳамда қабул қилинган ёки тасдиқланган қоида ёхуд тартибнинг, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки давлат (худудий) дастурларининг ижроси устидан олиб борилиши; *якуний назорат* эса, маълум бир даврда (масалан, йиллик) бажарилган фаолият устидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Мазкур параграфда амалдаги қонунчилик ва илмий изланишлар таҳлили асосида тадқиқотчи томонидан Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари *назорат фаолиятининг шакллари аниқлаштирилган*, депутатлик

(сиёсий партия депутатлик гуруҳи) сўровига муаллифлик таърифи берилган, депутатлик назоратини баҳолашнинг куйидаги мезонлари ишлаб чиқилган: худудда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланганлиги; худуддаги қонун бузилиши даражасининг юқори ёки пастлиги, шу жумладан коррупциянинг ҳолати; маҳаллий аҳамиятга молик муаммоларнинг кўлами; худуднинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланганлиги даражаси.

Тадқиқот ишининг **“Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятини такомиллаштириш зарурати ва асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи боби биринчи параграфи **“Маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятини амалга оширишга оид муаммолар”**га бағишланган бўлиб, унда мамлакатимизда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини рўёбга чиқариш амалиёти ҳамда қонунчилик таҳлили соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотчи томонидан қонун ҳужжатларига биноан маҳаллий бюджетлар юқори турувчи идоралар томонидан кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилингандан кейин халқ депутатлари Кенгашлари тасдиқлаши, уларнинг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар чорақда кўриб чиқилмаслиги, ҳоким, унинг ўринбосарлари, ижроия ҳокимияти бўлимларининг, бошқармаларининг, бошқа таркибий бўлинмаларининг ҳисобот ва ахборотларини баҳолашда қатъиятлилиқ ва ташаббускорлик кўринмаслиги аниқланган.

Аксарият маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари тегишли худудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш, сўров билан деярли мурожаат қилиш деярли ва вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқидан умуман фойдаланилмаган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари худудлардаги долзарб аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш, фуқароларнинг мурожаатларида кўтарилган муаммоларни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланган депутатлик сўрови институтидан самарали фойдалана олмаётгани йўқ.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан кўп ҳоларда депутатларнинг сўровларида кўтарилган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилмаяпти, депутатлик сўровларига ўз вақтида ёки тўлиқ жавоб қайтарилаётгани йўқ. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари раислари орасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари буни дасдиқламоқда.

Тадқиқотда депутатлик сўрови институти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар сифатида куйидагилар кўрсатиб ўтилди: *биринчидан*, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов

тўғрисида”ги Қонун (23-модда) талабларига зид равишда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари депутат сифатида фаолият юритиб келаётгани; *иккинчидан*, аксарият депутатлар сўровни шакллантиришда етарли амалий кўникма ва билимга эга эмас, мансабдор шахсларга юборилаётган сўровлар жуда саёз ёки сўров юборилган ташкилот ваколоти доирасига кирмайди.

Тадқиқотчи маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятининг самарали амалга оширилмаётганини икки асосий омил билан изоҳлайди: қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларнинг мавжудлиги омили ва ташкилий омилар. Шу жиҳатдан диссертацияда *маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг назорат функциясини тартибга солувчи қонун ҳужжатларидаги ва уни амалга оширишдаги ташкилий муаммолар* таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг **“Маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолияти соҳасидаги хорижий тажриба”** деб номланган иккинчи параграфиди хорижий мамлакатларда маҳаллий вакиллик органларининг ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан назорат олиб бориш, ижро ҳокимияти органи раҳбарига нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш, депутатлик текширувлари ўтказиш, маҳаллий бюджетнинг ижро этилишини назорат қилиш, қонунлар ижро этилишини текшириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш, депутатлик сўрови юбориш каби назорат шакллариининг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳамда уларни амалга ошириш механизми ўрганилган ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Хорижий мамлакатларда энг кўп тарқалган депутатлик назорати шакли бу *молиявий назоратдир*, вакиллик органлари маҳаллий бюджетни тасдиқлайди ва унинг ижроси юзасидан ҳисоботларни тинглайди. Хусусан, АҚШ, Англия, Франция, Германия, Нидерландия қироллиги, Италия, Кипр, Португалия каби кўплаб давлатларни бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Европанинг кўпчилик мамлакатларида бюджетнинг ижро этилиши ва давлат маблағлари сарфланиши устидан олиб бориладиган парламент назорати самарадорлигини ошириш учун минтақавий даражада ихтисослашган коллегиял орган ташкил этилмоқда. Бундай органлар Австрия, Бельгия, Болгария, Венгрия, Греция, Испания, Италия, Португалия, Руминия, Франция, Россия, ГФРда таъсис этилмоқда.

